



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (13.411)

Баҳоси эркин нарҳда

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида шу йил 11 апрель куни кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, мамлакатимиз шаҳар ва туманлари ҳокимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Селектор йиғилишида дастлаб ҳаётий муҳим масалалар бўйича фуқароларнинг муносабатларини қўриб чиқиш борасидаги ишларнинг аҳоли муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлагани халқ манфаатларини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги улкан амалий қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йил бошидан бундан Виртуал қабулхонага 315 мингта мурожаат келиб тушган. Жойлардаги Халқ қабулхоналарида 47 мингдан ортиқ фуқаро қабул қилинган ва уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган.

Шу билан бирга, жойларда баъзи раҳбарларнинг аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқ муносабатда бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Шикоятларнинг 70 фоизи бевосита маҳаллий ҳокимлик ва идораларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлса-да, афсуски, кўтарилаётган муаммолар жойида ҳал этилмасдан қолмоқда. Шунинг учун аҳоли ва юридик шахслар марказий идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Йиғилишда мавжуд камчилик ва қўсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, Бош вазир А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергеновга кўплаб мурожаатлар, аниқсиз, такрорий мурожаатларга сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни бир ой муддатда ўрганиб чиқиш, уларни ҳал этиш юзасидан комплекс тақдирлар тайёрлаш вазифаси топширилди.

Селектор йиғилишида кун тартибидagi навбатдаги масала – мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Истиқлол йилларида озиқ-овқат хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилгани, йилдан йилга халқимиз фаровонлиги ортиб, турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётгани қайд этилди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан нафақат ўз аҳолисини тўлиқ таъминлашга эришган, балки экспортга

маҳсулот етказиб бераётгани ўтган йиллар давомида соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг натижасидир.

Айни вақтда мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бу борада жиддий оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Баъзи минтақаларда яратилаётган қулай шароит ва имкониятларга қарама-қарши, айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз аҳолисини тўлиқ таъминлашга эришилмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятида маҳаллий аҳолини ҳудудда етиштирилган мева билан таъминлаш даражаси 71 фоизни, Сирдарё вилоятида 85 фоизни ташкил этмоқда. Бу албатта ҳеч қимми қаноатлангирмайди.

Йиғилишда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири – бу аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши билан узвий боғлиқ экани таъкидланди. Афсуски, бу борадаги аҳвол ҳамма жойда ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Масалан, жорий йил давомида ўтказилган ўрганишлар шунини кўрсатдики, Навоий вилоятида 27 фоиз, Самарқанд вилоятида 45 фоиз, Бухоро вилоятида 47 фоиз, Жиззах вилоятида 50 фоиз томорқа ерларида, афсуски, озиқ-овқат экинлари ва мева-дарактлар экилмаган.

Ана шу масалаларни ҳал қилиш юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ҳокимликлар раҳбарларига озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди. Жумладан, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 66 тумандаги 455 минг гектар унумдор ердан, 2017-2020 йилларда пахта ва галладан бўшайдиган 215 минг гектар майдондан унумли фойдаланиш зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги 4 миллион 600 минг хонадонга тегишли 515 минг гектар томорқа ерларига жорий йилнинг 1 майга қадар озиқ-овқат экинларини тўлиқ экишни таъминлаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Селектор йиғилишида яна бир муҳим масала – ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий раҳбарларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масаласи қўриб чиқилди. Аввало, маҳаллий раҳбарларнинг жойларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва экспортни кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли жон бошига даромадлар ўсишини таъминлашга қаратил-

ган ишларни ташкил қилиш ва уларнинг қатъий назоратини амалга ошириш борасидаги муҳим вазифалари белгиланди. Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни халқимизга бегона бўлган турли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жойлардаги молия-солиқ органларининг асосий вазифаси сифатида маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча заҳираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев селектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳақида тўхталиб, биз барчамиз мамлакатимиз ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва мутаносиб ривожлантириш, халқимиз билан доимий ва очик мулоқот олиб бориш орқали юрtdошларимизни ташвишга солаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш, аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитларини яратиш бўйича кенг қўламли вазифаларни ўз зиммамизга олганимизни доимо ёдимизда тутиб, шу асосда фаол иш олиб боришимиз керак, деб таъкидлади.

Бу вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, ҳукуматнинг ҳар бир аъзосидан бошлаб, энг қуйи бўғиндаги идора ва ташкилотлар раҳбарлари, барча ходимлардан масъулиятни чуқур ҳис этиб, қатъий тартиб-интизом билан фидокорона меҳнат қилишни, энг муҳими, амалий натижаларга эришишни талаб этиши алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон, қарор ва фармойиш, барча топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва сўзсиз бажарилиши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Бош прокурор, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, республика туманлари ва шаҳарлар ҳокимлари, маҳаллий идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкент давлат иқтисодий университетда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компанияси ҳамкорлигида “Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар” мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Университет ректори Б.Ҳодиев ва бошқарув Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида макроиктисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобида ялпи маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш вазифаси қўйилганлиги ва олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ушбу устувор вазифани самарали ҳал қилиш учун мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижалари ва уларни янада чуқурлаштириш йўллари ҳамда воситаларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳозир жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган мулкдорлар синфи жадал

ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди.

Конференцияда Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши ҳисобланган мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича мақсадли вазифалар қўйилганлиги қайд этилди. Ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш йўналишлари, кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил қилиш, реал сектор корхоналарида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишда лизинг хизматларининг ўрни, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспортини ривожлантириш, маҳсулотлар экспортини амалга оширишда халқаро сифат стандартларини жорий этиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ҲУРМАТ ВА ҲИММАТ НАМУНАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ва “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бугунги дорилмомон кунларимиз учун курашган, фидокорона меҳнат қилган юрtdошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, тинчлик-осойишталик йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз хотирасини ёд этиш халқимизга хос азалий қадрият эканининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Шухрат ЖАЛИЛОВ билан ЎЗА мухбири-нинг суҳбати шулар ҳақида кечди.

– Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалмоқда, – дейди Ш.Жалилов. – Бу Президентимиз томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий-диний қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган тараққиёт

стратегиямизнинг ҳаётбахш самараларидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири. Бугун мамлакатимизда уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, кал таъминланган оилавлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар манфаатлари

(Давоми 2-бетда)



● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида қўриб чиқилган қонунлар тарғиботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан видеоселектор шаклида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари қамраб олинди. Унда сенаторлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.


● Ўзбекистон Республикаси Туризм-

ни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Япония халқаро туристик ассоциацияси ҳамкорлигида кунчиқар мамлакат фуқароларининг чартер парвозлар орқали юртимизга саёҳати йўлга қўйилди. Апрель ойида Япониядан Самарқандга яна иккита шундай парвоз режалаштирилган.

● Хоразмда вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Кўргазма давомида вилоятдаги ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар маҳсулот харид қилиш учун 35 миллиард сўмликдан ортиқ ҳамда экспорт қилиш бўйича 6 миллион 300 минг доллар миқдоридagi шартномалар имзолади.

● Фарғонада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида “Одам савдоси – аср муаммоси” шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси, вилоят проку-

ратураси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ҳудудий босқичларда голиб бўлган тўрт жамоа иштирок этди.



● Канаданиннг гарбий қисмида рўй берган қор кўчкиси натижасида беш киши бедарак йўқолди.

● Туркияда ҳаво шарининг кулаб тушиши франциялик сайёҳнинг ҳаётига зомин бўлди.

● Вашингтон университети олимлари фалажланган кишилар учун матн киритиш усулини ўйлаб топиди. Бунда Eye-gaze деб номланган дастур смартфонга ўрнатилиб, кўз қимирлашини телефон камерасига узатади. Дастур тасвири таниш технологияси эвазига кўзларнинг тасвирини сканерлаб, уни муҳрлайди. Сўнг ҳар бир ҳаракатни тегишли буйруқлар билан мослаштиради. Матн териш жараёни телефон тугмаларидан фойдаланган ҳар бир кишига таниш бўлган усул ҳисобида соддалаштирилади. Кирилтилган ҳарфни ўчириш учун чап кўзни, ҳарфни тасдиқлаш учун ўнг кўзни юмиш керак.

2016 йилда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти корхоналари 1 миллиард 146 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган. Дунёнинг 54 мамлакатига етказиб берилган ушбу маҳсулотларнинг 40 фоизидан ортиғини қўшимча қийматли товарлар ташкил этади.

Саноат

ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА



Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжумани “Ўзбекенгилсаноат” АЖ корхоналарида маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш, географиясини кенгайтиришга бағишланди.

Мамлакатимиз иқтисодийётида тобора салмоқли ўрин эгаллаётган тўқимачилик саноатида 105 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. 440 саноат корхонаси, шу жумладан, 28 йирик ишлаб чиқарувчини ўзида бирлаштирган “Ўзбекенгилсаноат” АЖ тармоқнинг етакчиси сифатида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини муттасил ошириб бормоқда.

Ўтган йили жамият корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 2015 йилга нисбатан 18,1 фоизга ортиб бўлса, экспорт кўрсаткичлари 132 фоизни ташкил этди. Экспортда тайёр маҳсулотлар улуши тобора ортимоқда. Хорижга юборилаётган маҳсулотлар рўйхати ўтган йил бамбук ва модал калава ип, аралаш калава ип, жаккард ва рингель мато сингари янги номлар билан бойиди.

Хориждаги савдо уйлариининг сони ортиб бормоқда. 2016 йилда улар 44

тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Тожикистонда яна бешта тижорат нуктасини очиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳаллий ва хорижий кўрғазмаларда иштирокини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда тармоқнинг 200 дан ортиқ корхонаси 21 кўрғазмада иштирок этди. 1 миллиард долларликдан ортиқ шартнома имзоланди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 26 халқаро кўрғазмада мамлакатимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Ташки ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда бизнес-форумлар, “бизнес-бизнесга” шаклида бевосита музокаралар ўтказиш йўли билан янги, салоҳиятли харидорларни излаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий истеъмолчилар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ишлари фаоллаштирилган.

Болгария, Туркия, Украина ва Беларусьда ўтказилган шундай тадбирлар

натijasида тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қиймати 50 миллион доллардан зиёд экспорт шартномалари имзоланди. Ҳозир МДҲ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Туркия ва Эрон билан умумий қиймати 350 миллион долларлик қўшимча экспорт битимларини имзолаш устида иш олиб борилмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлди, – дейди ЎЗА муҳбирига “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи Жасур Рустамбеков. – Унга кўра, 2020 йилгача умумий қиймати 2 миллиард 200 миллион долларга тенг 132 инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Ўзбекистон, лойиҳаларнинг қарийб 50 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Мазкур дастурнинг амалга оширилиши тармоқнинг йиллик экспорт салоҳиятини 2 миллиард 500 миллион долларга етказиш, қўшимча 25 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилишига имкон беради.

Маҳсулотларни экспортга олиб чиқишда интернет тармоғи имкониятларидан ҳам фойдаланилмоқда. “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти, жамият ҳузуридаги тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинг агентлиги сайтларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, нархлар тўғрисидаги маълумотлар, маркетинг озорлари, тармоқдаги янгиликлар ҳақидаги ахборот мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

Ҳар йили тўқимачилик маҳсулотлари каталоги чоп этилиб, турли кўрғазма ва бизнес-форумлар давомида мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг салоҳиятини шерикларига тарқатилмоқда. Савдо майдончалари ва интернет сайтлари ёрдамида товарларни сотиш ва почта орқали етказиб бериш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

Б.БОЗОРОВ

НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАСИ ЧЕКИНИ ОЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, республиканинг иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини мустақкам эгаллашда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра, давлат солиқ хизмати органлари томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар нақд пул асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тушумининг банкка топширилиши ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 мартдан бошлаб, ўрнатилган тартибга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик картчалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пайсатириш, назорат-касса машиналарини, ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш, шунингдек, ўрнатилган тартибда талон ва чеклар бериш, нақд тушумини ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказилаётган текширувлар, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кеңашининг махсус рухсатномасини талаб этадиган солиқ текшируви ҳисобланмаслиги белгиланган бўлиб, Тошкент шаҳар давлат қўшма тиш органлари томонидан мазкур йўналишда жорий йилнинг 1 чораги давомида назорат тартибидеа ўтказилган текширувларнинг 452 та ҳолатида тадбиркорлик субъектлари томонидан назорат-касса машинаси ва назорат-касса машиналарининг чекига тенглаштирилган квитанциялардан фойдаланмасдан белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмай 137,2 млн. сўм нақд пул банкка топширилмаганлиги аниқланган. Қўнунбузар шахслар қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига кўра физик хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик картчалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдонинг амалга оширилган ва хизматлар кўрсатилган, худди шунингдек, сотиб олувчи ва квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳуж-

жатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг (149 775 сўм) ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга, мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилганда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки физик хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, пластик картчалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима солишга, мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилганда энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари сотилаётган товарлар нархини ҳамда кўрсатилаётган хизматлар ҳақини нақд пул маблағлари ёки пластик картчалар бўйича тўлаш шаклига қараб уларни сунъий равишда оширган ёки пайсатириш тақдирда, бундай хатти-ҳаракатлар пластик картчалар бўйича тўловларни қабул қилишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш борасида ўрнатилган тартибни бузиш ҳисобланади ва уларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этиб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда муҳим омил бўлади. Азиз ватандошлар, сиз ҳам ўз навбатида харидингиз учун назорат-касса машинаси чекини талаб қилиш билан фуқароларимизнинг ойлик иш ҳақи, пенсия ва стипендияларини вақтида олишларига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Зеро, олинган чек харидингиз кафолатидир.

Наргиза ЭРКИНОВА,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси
Ахборот хизмати
бош мутахассиси

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида “Тошкент-Аэро” иқтисослаштирилган божхона комплекси билан ҳамкорликда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида пойтахтимизда фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун навбатдаги очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Айни пайтда республикамизда барча йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мақсади айни шу олижаноб гоғни изчилик билан ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам тадбиркорларнинг дардида кулоқ тутиш, улар билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш орқали тадбиркорлик фаолиятида тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни зудлик билан барҳарф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари билан мулоқотни самарали ва тизимли равишда ташкил этиш мақсадида Давлат божхона қўмитаси Марказий аппарати ходимларининг жойларга чиқиш, учрашувлар ва очиқ му-

лоқотлар ўтказиш жадвали тасдиқланган. Айни шу жадвалга биноан ташкил қилинган учрашув ҳам очиқ руҳда бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида иштирокчиларга Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, яқин беш йилга мўлжалланган Харакатлар стратегиясидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш барча учун юксак масъулият юклаши таъкидланди. Зеро, мазкур муҳим Дастурий ҳужжатни ҳаётга татбиқ қилиш мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жаҳонларини тубдан ўзгартириши, шубҳасиз.

Учрашувда божхона соҳасида қабул қилинган сўнгги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кўрғазмали тарзда батафсил маълумотлар берилди. Тадбирда “Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган авто-

транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”га киритилган ўзгаришлар, яқинда тасдиқланган божхона кириш ордерининг шакли ва уни тўлдириш қоидалари ҳақида ҳам тушунтиришлар бериш ўтилди.

Очиқ мулоқот якунида тадбиркорлар божхона соҳасида мавжуд қулайликлар ва енгилликлар, божхона тўловларида имтиёзлар қўллаш каби масалалар бўйича уларини қизиқтирган қўллаб-қувватлашчи бевосита мутахассислардан батафсил жавоблар олишди.

Айрим муаммолар масалаларни эса шу ернинг ўзида ҳал қилиш учун мутасадди ходимларга тегишли топшириқлар берилди. Тасдиқланган режага кўра бу каби очиқ мулоқотлар ҳар ойда ташкил қилинади.

Зарина РУСТАМОВА

МАҚСАД АҲОЛИГА СИФАТИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси”, “Тошиссиққуввати” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда “Сувсоз” давлат унитар корхонаси раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ва келгусида режалар борасида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Бугунги кунда шаҳримизда 9 минг 400 га яқин қаватли турар жой бинолари мавжуд бўлиб, уларга 2375 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

2016 йилда 4280 та қўн қаватли уйлarning том қисми мукамал ва жорий таъмирланди, беш мингдан ортиқ уйлarning ертўлларида таъмирлаш ва тартибга келтириш ишлари олиб борилди, шунингдек, қўн қаватли уйлarning кириш йўлакларни таъмирланиб, темир эшиклар ва қолдиқлар ўрнатилди. 490 та янги болалар майдончалари барпо этилди.

Коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 30 километрдан ортиқ иссиқлик тармоқлари, 20 километрдан зиёд совуқ сув тармоқлари, 2,9 километр канализация, 18,4 километр табиий газ тармоқлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Иккинчи соҳа объектлари бўйича 16 та мактаб, 30 та мактабгача таълим муассасалари мукамал таъмирланди. Шунингдек, 100 та мактаб, 4 та Меҳрибонлик уйлари ва интернатлар, 157 та мактабгача таълим муассасалари, 60 та касалхоналар жорий таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган муносабати билан ҳамда шаҳримиз аҳолисининг

соҳадаги мавжуд муаммоларини ижобий ҳал қилиш мақсадида барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида ва 11 та туманда 73 та “Фуқаролар қабулхонаси” ташкил қилинди.

Жорий йилда 2017-2018 йили куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида жами 25 та асосий йўналишлардан иборат бўлган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан жами 239,6 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Коммунал хизмат сифатини ошириш ва шаҳар аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси томонидан коммунал соҳада замонавий энергосамарали технологияларни жорий қилиш бўйича турли инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, қўн хонадонли уйлarning йўлакларини қуёш панелларида ёритиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Ҳозирда шаҳримиздаги ўн та қўн қаватли уйлarning том қисмида қуёш батареялари ўрнатилди.

Анжуманда шунингдек, 2017-2021 йилларда Тошкент шаҳридаги ичимлик ва оқова сув тизими объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳамда истеъмолчиларни сифатли, узлуксиз ва ишончли иссиқлик таъминоти билан таъминлаш борасида режалаштирилган ишлар бўйича ҳам атрофича маълумотлар берилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ҲУРМАТ ВА ҲИММАТ НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз фармонида мувофиқ бу йил ҳам кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларининг руҳи ва қайфиятини кўтарадиган турли байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган учрашувлар ва суҳбатларда ёшларга бугунги тинч-осойишта қунарлар осонликча эришилгани, уни қўз қорачиқиде асраб-авайлаш лозимлиги ҳаётий мисоллар асосида чуқур тушунтирилмоқда.

– Президентимизнинг юқоридаги фармони ва қарори ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Иккинчи жаҳон уруши арафасида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони уруш фронтларида жанг қилган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олманди, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлга қурол олиб, жанг майдонларида қатнашган. Яна миллионлаб инсонлар жангҳоқларда жон олиб, жон бераётганлар учун фронт ортида машаққатли меҳнат қилган. Уларнинг заҳмати уруш қатнашчилариникидан асло кам бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ўша муҳим даврада халқимизнинг, ўз оиласининг ор-номуси, тинчлик ва фаровонлиги учун курашганларга ҳар томонлама эъзоз кўрсатиш, биз билан бирга умргузаронлик қилаётган қаҳармонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чора-тадбирларни янада қучайтиришга хизмат қилмоқда.

Хотира ва кадрлар ҳуқуқи кўтаринки руҳда нишонлаш, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини икки миллион сўм қимматидеа бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш маросимларига пухта ҳозирлик қўйилаётди.

Жағармамизнинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан жойлардаги ҳокимиятлар билан бирга Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси хонадонига бориб, уларнинг соғлиғи, турмуш шароити ва фикр-истаклари ўрганилди. Ҳозирги кунда қимнинг уй-жойга эҳтиёжи бор, қимнинг турар жойини таъмирлаб бериш керак, қимга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазиригига, Қасаба уюшмалари федерацияси кеңашига ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг саноатий-соғломлаштириш муассасаларида дам олиб, соғлиғини тиклаши учун бепул йўлланмалар, ногиронлик аравчалари ёки эшитиш мосламалари бериш лозим, қим муқаддас Ҳаж зиёратига боришни хоҳлайди, шу каби ва бошқа мурожаатларни барча масъул ташкилотлар билан биргаликда тезда ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Яна бир муҳим жиҳат – Хотира ва кадрлар қўни муносабати билан мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бирга уларнинг бугунги нурафшон тоғларимиз йўлида кўрсатган матонати, мардлик ва жасоратининг аҳамиятини кенг аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилади.

Нуронийларнинг ҳаёт тажрибаси, панду насихатлари жамиятимизда меҳр-оқибат, миллий қадриятларга ҳўрмат, Ватанга садоқат тўғйуларини янада мустаҳкамлашда, тинчлик-ҳамжихалик муҳитини барқарор сақлашда қатнашмақабдир. Кексаларимизга имкон борида кўпроқ ёрдам берсак, оғирини енгил қилсак, виждонимиз олдида ҳам, келажақ авлод олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади.

Дилшод КАРИМОВ
суҳбатлашди

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ



Тошкентда 2017-2021

йилларда Ўзбекистон

Республикасини

ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти худудий бўлими, Тошкент вилояти адлия, молия, меҳнат бошқармалари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Ўтган қисқа вақтда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, пойтахтимизда Тараққиёт стратегияси маркази ташкил этилди. Мазкур марказ Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган чораларни ҳаётга татбиқ этиш ва ҳар томонлама қайта қўриб чиқиш, экспертлар ва жамоатчилик иштирокидаги муҳокамаларда билдирилган фикрларни бирлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнига фуқаролик институти вакиллари, мутахассислар, олимларни кенг жалб қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўлимоқда.

Тадбирда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳўқуқини янада кенг амалга ошириш механизмларини жорий этиш, Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини халққа тушунарли қилиб етказишда журналистлар масъулиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида яқин алоқаларни таъминлашда ОАВнинг ролини қучайтиришга қаратилган самарали ҳўқуқий механизмларни яратиш, соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш ва қўнунчилик ҳўжжатларига тегишли ўзгариш ва қўшмачилар киритиш юзасидан фикр алмашилди.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА муҳбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш, маҳалланинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакат ва жамият равнақида маҳалланинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

– Пойтахтимиздаги ҳар бир туманда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ёшлар масалалари ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари сайловига доир семинарлар ўтказилди, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бош мутахассиси Наврўз Мусаев. – Жорий йилнинг 15 мартдан 1 апрелига қадар мавжуд 505 маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ёшлар масалалари ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлар сайлови бўлиб ўтди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш объектиларини ташкил этиш мақсадида 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Тошкент шаҳар ҳудудий дастури ишлаб чиқилмоқда. 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарларда “Маҳалла маркази” мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг ташкилий йиғилишлари барча туманларда ўтказилди.

Маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари, ҳудуддаги профилактика инспекторлари, таълим муассасалари ва оилавий поликлиникалар раҳбарлари киритилди.

Фармон ва ижро

МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ, МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

– Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни ушбу фармон мисолида ҳам кўриш мумкин, – дейди пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Адҳам Зоҳидов. – Фармоннинг батафсил ўрганиб чиқиш, бу борада бажарадиган ишларимизни белгиллаб олдик. Фуқароларимиз мазкур ҳужжатни мамнуният билан қабул қилди.

Фармонда маҳалланинг жойлардаги долзарб масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожланти-

ришга қаратилган аниқ ва устувор вазифалар белгиллаб берилган.

Юнус Ражабий номидаги маҳаллада жорий йилнинг 25 март куни Бозорбой Эшонов маҳалла раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари этиб сайланган. У ёши улуг инсонлар яшаётган ҳар бир хонадон билан яқиндан танишиб чиқмоқда. Бозорбой ака

куни кеча маҳалла нуронийларидан бири Тойир ота Аллашевдан хабар олди. Тойир ота ва ботоб қизининг кўнгли маҳалладошларининг эътибори ва ғамхўрлигидан тоғдек кўтарилди.

Ёшлар ишлари бўйича раис Юнус Ражабий этиб сайланган Зилола Ҳасанбоева маҳалладаги ўғил-қизларнинг дарсга ўз вақтида қатнаётгани, уларнинг қизиқишлари ва оилалардаги муҳитни ўрганиб чиқмоқда. Маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда дарсларга ўз вақтида қатнамаётган ўқувчилар билан тушунириш ишлари олиб бормоқда. Яққасарой ёнги санат касб-хунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежида таҳсил олаётган баъзи

ўқувчиларнинг дарсларга вақтида бормаётгани аниқланди. Ёшларнинг ота-оналари билан суҳбатлашилди. Юзага келган вазият ва ёшларнинг қизиқишлари ўрганилди. Ўқувчиларнинг инглиз тили ва спортнинг теннис турларидаги иштиёқи борлиги аниқланиб, маҳалла фаоллари кўмағида улар тўғралакларга жалб қилинди.

Маҳалла ҳудудида битта умумтаълим мактаби ва учта мактабгача таълим муассасаси жойлашган. Ушбу масканлар билан доимий ҳамкорлик ва ҳамжихатликда иш олиб борилганлиги яхши натижалар бераётди. Маҳалла фуқаролар йиғини кўмағида ҳудуддаги 323-мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Маҳаллада аҳолини иш билан таъминлаш, уларни тadbиркорликка кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Халқ банки, “Ипотека” банклари билан ҳамкорликда аҳолининг тadbиркорлик фаолиятига қизиқишини ошириш, бунинг учун бандкан кредит олишининг тартиб-тамойиллари тушунирилди. Жорий йилда тadbиркорлик билан шуғулланиш истигади бўлган қирқдан зиёд фуқарога имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида туман ҳокимлиги ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига учта компьютер жамланмаси ва мебеллар берилди.

Муҳтасар айтганда, юқорида номи келтирилган фармон ижросини таъминлаш мамлакатимиздаги ҳар бир маҳалланинг ҳақиқий маънода маънавият ва тарбия масканига айланишига хизмат қилади.

(ЎЗА)

КИТОБЛАР – ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш ўтмиш аجدодларимиз мероси, анъанаси, қадриятини йўғрилган ҳолда амалга оширилади. Бунда бадиий адабиётнинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, инсон руҳиятига, онгига оғзаки тарғибот-ташвиқотдан кўра ёзма манба тез ва кучли таъсир кўрсатади.

Ижодкор ахли фарзандларининг қалбида ўзгичанинг англашга, қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга, юрт озодлигини барпо этиш сингари ғояларни ўз асарлари орқали етказишга уринган. Шундан кўриниб турибдики, бадиий адабиёт кенг омма вақилларига хизмат қилиб қолмай, балки ёшлар ўртасида миллий ғоя шаклланишида ҳам муносиб ўринга эга ҳисобланади. Зеро, адабиёт – ҳар қандай вазиятда ҳам, аввало, ўз халқи, фарзандининг маънавий оламиини бойитиш қолаверса, умуминсоний эзгуликка даъват этишни олий мақсад қилиб олади. Шу сабабли ҳам адабиётни миллат қўзғуси дея эътироф этиш мумкин.

Президентимизнинг “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мўлолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишига асосан Тошкент фармацевтика институтини микёсида бир қатор маънавий-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда.

Буюк бобокалонларимиз ижодий меросига бағишланган адабий кечалар, маънавий соатлари, маърифий тadbирлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, навқирон авлод қалбида китобга меҳр уйғотиш, уларнинг мўлола маданиятини юксалтириш мақсадида “Китоб – илм зиёси” шiori остида “Талабалар ўртасида китобга бўлган қизиқишини шакллантиришга таълим муассасаларининг ўрни”, “Китобхонлик маданиятини шакллантириш”, “Китоб – зиё машъали” каби мавзуларида маънавий-маърифий тadbирлар бўлиб ўтди.

Бадиий адабиётга бўлган талаб кундан кунга ортиб бораётган бир пайтда институтда ёшларнинг дарс жараёнида олаётган билимларини янада мустаҳкамлаш, маънавиятини ва дунёқарашларини ошириш мақсадида Ахборот-ресурс маркази талабаларга хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан институт фойдаланувчилари ўрасида “Китобхонлик маданиятини ошириш”, юксалтириш – замонавий етук кадрлар тайёрлашнинг муҳим омил” деб номланган сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровнома Ахборот-ресурс маркази ходимларининг фаолияти, мўлола маданияти ва ўз ишларида бўлган масъулиятларини аниқлаш билан бирга кутубхонага қираётган талабаларнинг марказда йўлга қўйилган хизматлар ҳамда дарсликлар, бадиий адабиётлардан қанчалик самарали ва ўз ўрнида фойдаланаётганликлари кўрсатиб беради. Сўровномада 100 нафар талабалар иштирок этди, улардан турли хил талаб ва тақлифлар олинди. Сўровнома таҳлил қилинганди уларнинг талаб

ва тақлифлари ўрганилиб, ижобий хулосага келинди. Ҳамда ўтган йилга нисбатан солиштирилганда институт ёшларининг бадиий китобларга бўлган қизиқишлари ва мўлолаа жараёни ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Ҳаётдаги янгиликлар, китоблар ҳам дастлаб адабиётда бўй кўрсатиб, сўнгра реал ҳаётга кўчади. Эртақларимиздаги “Учар гилам”, Алишер Навоийнинг “Ойнаи жаҳон”и бугун ҳаётда амалий вазифасини ўтамоқда.

Айни кунларда ёшларимизни бадиий адабиётга қизиқтириш орқали улар қалбида миллий ғояни янада чуқурроқ сингдиришга эришилмоқда. Бу борада “Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор” шiori остида ўтказилаётган “Китобхонлар байрами” танловининг жорий этилиши нафақат иқтидорли ёшларимизни кашф этиш, балки улар ўртасида бадиий адабиётга бўлган қизиқишини ошириш ва бу орқали улар қалбида эзгу фазилатларни шакллантиришга эришлади. Шу боис ҳам чинакам бадиий асар ёшларни виждонли, ҳалол бўлишга қақиради, инсон руҳини янгилайди, тафаккурни тараққилантиради ва қувонч ҳаял этади. Киши ўз-ўзидан нафақат яқинларига, балки жамияти одамзотга яхшилик тилайдиган инсонга айланади. Эзгулик мавжуда жойда эса ҳаммиса барқарорлик, тараққиёт, фаровонлик ҳукм суради.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғурларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларда “Буюк алломалар ҳаёти ва ижодий фаолияти ватанпарварлик тарбиясида ибрат манба” мавзуси доирасида туркум давра суҳбатларини уюштириш, тарғиб этиш ҳамда адабиёт, шоирлар билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадида мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ёш авлодга замонавий талабалар асосида билим бериш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғурларини оширишда аждодларимиз меросларидан, бадиий адабиётдан, тарғибот-ташвиқот ишларида кўргазмалли воситалар, мультимедиялардан кенг фойдаланиш ҳамда соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда амалга ошириш мақсадида мувофиқдир. Қолаверса, инсоннинг қимлигини ўқитган китобларга қараб аниқлаш мумкин бўлганидек, ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг маданияти даражаси маънавий бойлиги саналмиш китоблар билан ҳам боғлиқ. Ёшлари билимли, юксак тафаккурли юртнинг келажаги аюк бўлиши аниқ. Бу йўлда бадиий буюк бўлиши таъсири, ўрни бекёс. Бунини ҳис қилиб яшаётган ёшлар миллат фахрига айланиши мукдарар.

Нигора АШУРОВА,
Тошкент Фармацевтика институти
Тиллар кафедраси ўқитувчиси

Маълумки, юртимиз истиқлолга эришгач, соғлиқни сақлаш тизими давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, бугунги кунга келиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва салмоғига катта эътибор қаратилмоқда.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА КАТТА ЭЪТИБОР

Куни кеча Юнусобод туманида жойлашган Жомий номли маҳаллада 51-оилавий поликлиника томонидан тиббий кўрик ташкил этилди. Унда Жомий ҳамда “Янгиарик” маҳаллаларининг фуқаролари иштирок этди.

Мазкур тadbир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли буйруғи ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

– Патронаж ойлари давомида поликлиникамиз томонидан парваришга муҳтож бўлган 57 нафар фуқаро, 96 та ёш оила, 590 бир ёшгача бўлган болалар, 27 нафар ногирон, 340 та ҳомилдор ва 46 нафар янги фарзанд кўрган аёллар, бугунги тadbирда эса маҳалланинг 150 га яқин фуқароси кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уру-

ши қатнашчилари, ногирон ва ёлғиз қарияларга уйда патронаж хизмати кўрсатилди, – дейди 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гузэл Қодирова.

Эътироф этиш жоизки, Жомий маҳалласида ўтказилган тиббий кўриқда поликлиниканинг шифокорларидан – кардиолог, невропатолог, окулист, лор, жарроҳ ҳамда 3 та умум-амалиёт шифокори ва 6 та умум-амалиёт ҳамширалари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар.

– Маҳалламизда тиббий кўрик уюштирилишини эшитиб ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Чунки, бугунги бўлиб ўтаётган кўриқда барча амалиёт шифокорларининг бир жойга йиғилганлиги биз учун айни муддао бўлди. Мана шундай тadbирлар мунтазам равишда ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ булар эди, – дейди шифокор кўриқига ташриф буюрган Зулфия Далилбоева.

Бахтиёр ЖўРАЕВ
К.Ўлмасов олган сурат

ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Тошкент юридик коллежида битирувчиларни юридик хизматлар фаолиятига жалб этиш масалаларига бағишланган тadbир ташкил этилди.

Тошкент юридик коллежи директори Н.Темирова, Адлия вазирлиги юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолиги ёш авлодининг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди касб-хунар коллежи битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётига фаол жалб этиш, эгалланган касби бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш вазифаси белгиллаб берилган.

Айни пайтда Нукус, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Фарғона ва Тошкент шаҳридаги ҳуқуқшунослик йўналишига ихтисослашган коллежлар ҳамда Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежида ёш ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланмоқда. Адлия вазирлиги томонидан битирувчиларни эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2015-2016 ўқув йилида ҳуқуқшунослик ихтисослашган касб-хунар коллежларини би-

тирган 3551 ўқувчидан 3454 нафарининг бандлиги таъминланган.

Хозирга жорий йилда ҳуқуқшунослик ихтисослашган коллеж битирувчиларининг 2628 нафари билан туман, шаҳар ҳокимликлари – қорхона – битирувчи – коллеж ўртасида тўрт томонлама шартномалар имзоланган.

Бугунги тadbир ҳам бу йўналишдаги амалий сайёҳ ҳаракатларнинг мантикий давомидир. Унда тегишли вазирлик ва бошқармалар раҳбарлари, етакчи мутахассислари томонидан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг мазмун-моҳияти, соҳа мутахассислари учун яратилган имкониятлар, шунингдек, “Ягона дарча” марказлари фаолияти ва бу борадаги сўнгги янгиликлар, адлия органлари ва муассасаларига ишга қабул қилиш тартиби, ёш ҳуқуқшунос мутахассисга қўйилган талаблар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

– Таълим ва амалиёт уйғунлиги замонавий билим ва ишлаб чиқариш қўнимасига эга ёш мутахассислари тайёрлашда аҳамиятга эга, – дейди Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Дилноза Муҳиддинова. – Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда соҳа мутахассислари, кекса ҳуқуқшунослар берган ўғитлар, йўл-йўриқлар бизда катта таъсирот қолдирди.

(ЎЗА)

БОЛАЛАР МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК ҚУРШОВИДА

Жиззахлик Мирзо Абдулҳошимов ҳали ўспирин йигит бўлишига қарамай ҳаётнинг қийинчиликлари, синовларини бошидан кечирган. Бундан етти йил олдин пойтахтимиздаги 100-ихтисослаштирилган мактаб-интернатга олиб келинган бу бола нафақат юришга, балки гапиришга, ҳатто оддий нарсаларни сўрашга ҳам қийналарди.

Таянч ҳаракат аъзоларида нуқсон билан туғилган Мирзонинг ўқиши, саводли бўлишини истаган ота-онаси болани уйда ўқитди. Бироқ ногиронлиги сабаб ҳеч кимга қўшила олмаган, тенгдошлари билан бирга ўйнаш туғул, ҳатто суҳбатлашишга ҳам уялган болақай кундан-кунга сулиб борарди. Ҳаммадан ўзини четга оладиган, тортинчоқ, ҳеч нимага қизиқмайдиган бефарқ бўлиб, дарсларга ҳам кўт қилмай қўйди.

Болақайнинг ҳаётига мазмун бағишлаш, болалик, ўқувчилик гаштини ҳис қилиши учун унинг онаси бор имкониятини ишга солди. Фарзандини Тошкентдаги 100-таянч ҳаракат аъзолари шикастанган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатга жойлаштирган Бучирой Синдоров Мирзонинг келажакда яхши ўқиб, ҳаёти бутунлай ўзгаришига ишонди.

– Шу даргоҳга келиб фарзандим ҳаётга қайтди, яшашни ўрганди, – дейди Б.Синдоров. – Уйда фақат менга суянган, ёрдамимга муҳтож бўлган ўғлимни узоқ жойга қандай ташлаб кетаман, деб кўп ўйлардим. Минг шукри, бу ердаги яхши инсонлар, тарбиячилар, меҳрибон устозлар ўғлимга йўлқўлини билдирмади. Тенгдошлари билан бирга яшаб, бирга ўқиб, Мирзо бутунлай ўзгарди. Унинг дунёқарашини, фикрлашиш ўсганини, ўқишдаги ютуқларини кўриб, жуда қувонаман. Биз каби кўнгли ярим оналарнинг кўнглини тўлдириб, ҳар бир фарзанда меҳр-эътибор, ғамхўрлик кўрсатилаётган мана шундай юртдан, бағрикенг, меҳр-саховатли халқимиз, ғамхўр Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Мирзо ҳозирги кунда 9-синфда аъло баҳоларда ўқийпти. Жонқуар устозлар, моҳир логопедларнинг меҳнати туйғайли фанларни яхши ўзлаштириб, нутқидидаги камчиликлар ҳам бартараф этилмоқда. У яхши сўзлашиш билан бирга, мактабдаги тadbирларда фаол қатнашади.

– Онамнинг ҳамма нарсаси қўлингдан келади, деган гапларига сира ишонмас, ҳеч бир ишни уйдаялай олмаман, деб кўркардим, – дейди Мирзо. – Бу ердаги таълим-тарбия туйғайли ўзимга бўлган ишонч ортиб, масъулиятли бўлишни ўргандим. Устозларим ва онаминг мендан умидлари катта, уларнинг орзуларини рўёбга чиқариб, келажакда етук мутахассис, яхши инсон бўлишим керак.

Болаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, кўнгли ўқисларини қўллаб-қувватлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Президентимиз раҳнамолигига амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат замирида ана шундай эзгу қадриятлар ўз ифодасини топмоқда. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тарбиялаш ҳамда вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлариининг моддий-техник базаси мустаҳкамланган, тарбияланувчиларнинг соғлом ва билимли бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 26 декабрда имзоланган “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳақида бўлаётган эзгу амаллар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

100-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда имконияти чекланган ўғил-қизларнинг ўқиб-ўрганиши, таълим-тарбия олиши, соғлигини тиклаши учун барча шароит яратилган.

– Мамлакатимиздаги ҳар бир навқирон авлод меҳр ва эътибордан баҳраманд бўлиши керак, – дейди ЎЗА мухбирига мактаб-интернат директори Ўткир Қурбанов. – Таълим даргоҳимизда болаларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни бепул даволаш, жамиятга қўшилиши, фикрлаши ва дунёқарашини ўстириш устида ҳам иш олиб борилади. Айниқса, ёшлари оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мактаб-интернатда ўқувчиларга умумтаълим дастури ва мураккаб нуқсонли болалар учун махсус ёрдамчи дастур асосида таълим берилади. Дарс машғулотларидан ташқари логопедия, ритмика ўқитилмоқда. 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан ҳамкорликда ўқувчилар спортга жалб қилинади. Бунинг самарасида спортнинг сузиш тури болалар ўртасида кенг омалашган.

Ўқувчиларнинг ҳар бир қўлини мазмунли ташкил этиш, жисмонан чиникиши учун ёши ва қизиқишга мос қўллаб машғулотлар олиб борилади. Ҳар хил тўғараклар ташкил этилган. “Моҳир кўлар”, “Ораста қизлар” клублари қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хунар ўргатишга йўналтирилган.

Мактаб-интернатда ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш мақсадида бир йилда икки мартада тиббий кўрик ўтказилиб, шифокор кўрсатмасига бинаво давлолаш ишлари олиб борилади. Бу мақсадга 17-оилавий поликлиника мутахассислари бириктирилган. Ўқувчилар Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Республика болалар ортопедия маркази ва Травматология ва ортопедия илмий-тектириш институтида ҳам давлолаш, саломатлигини тиклайди. Ҳам таъминланган, чекка ҳудудлардан келган болалар йод ва витаминлар, озик-овқат, дарслик ва ўқув қуроллари, ётоқхона билан бепул таъминланади.

2016 йилда капитал реконструкция қилинган мазкур даргоҳ янгича қиёфа касб этди. Муъажжиза безатилган ушбу даргоҳнинг йўлақлари тоза-озода, атрофи обод. Мевағи ва манзарали дархатлар, гуллар, турли расмлар билан безатилган ҳовлида ўғил-қизларнинг ҳушқўчқак овози қўлоққа чалинади.

Яратилган имкониятлар самарасида мактаб ўқувчилари нафақат мамлакатимизда, балки Япония, Россия, Греция каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро спорт мусобақаларида фаол иштирок этиш, юқори натижаларни қўлга қиратаётди. Бундан ташқари болалар ишшо ва расм танловларида ҳам фаол қатнашаётди.

Меҳр-муруват ва оқибат масканига айланган бу даргоҳда тарбияланиб, катта ҳаётга қадам қўйганлар орасида турли соҳаларда фаолият юратадиганлар, рассомлар, спортчилар ҳам бор. Бу давлатимиз томонидан имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга кўрсатилаётган эътибор, уларга яратилаётган имкониятлар самарасидир.

Гўзал САТТОВА

**Пойтахтимизнинг
Абдулла Қодирий
номидаги маданият
ва истироҳат боғида
“Қадрият, урф-одат,
анъана ва ёшлар”
лойиҳаси доирасида
“Тошкент
меҳмондўст шаҳар”
деб номланган
ёшлар фестивали
бўлиб ўтди.**



МЕҲМОНДЎСТ ШАҲАР

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир 2003 йилдан буён ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура ва урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказилиб келинади.

Бугунги кунда ёш авлодни ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлган турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишлари юртимизда ёш авлод тарбиясига қаратилган эътиборнинг яққол намунаси десак муболага бўлмайди. Мазкур фестивалда Ҳаракатнинг шаҳар ва туман Кенгаши бўлими ходимлари, таълим муассасалари бошланғич таълимоти етакчилари, иқтидорли ва фаол талабалар иштирок этиб, шаҳримиздаги 11 та туман ташаббуси билан вилоятларимизнинг урф-одатлари, анъаналарини кўрсатиш билан бирга ўзига хос миллий таомларидан иборат дастурхон безатишди.

Богни айланар эканмиз бир-биридан фарқ қилувчи турли вилоятларнинг урф-одатлари, анъаналари акс этган мўъжазгина дунёга киргандек ҳис қилдик ўзимизни.


— Фестивалда туманимиз ёшлари “Қамолот” фаоллари билан биргаликда Самарқанд вилоятининг миллий таомлари, урф-одатини кўрсатиб бердик, — дейди “Қамолот” ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ходими Фотира Мирзизова. — Самарқанд вилоятининг қадимги унаштирув маросими бўйича тайёргарлик кўрдик. Урф-одатларини ўрганишда турли хил манбалардан, миллий энциклопедиядан фойдаланилди. Ўрганиш жараёнида бой маданий меросга эга халқ эканлигимизга яна бир бора амин бўлганимизни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Натижаларга кўра, фестивалда 1-ўринни Олмазор, 2-ўринни Чилонзор, 3-ўрин Яшнобод туманларининг фаол ва иқтидорли ёшлари эгаллашди.

— Боғу далалардаги дарахту майса-

зорларнинг ям-яшилликка бурканиши, субҳидамда қушларнинг шўх-шодон чўғурлашлари ҳар бир кишининг кўнгил торларини чертиб ўтади, — дейди “Қамолот” ЁИХ Олмазор туман Кенгаши етакчи мутахассиси Нодира Усмонова. — Биз соғинган баҳор юртимиз бўйлаб кезмоқда. Ташкил этилган фестивалда ҳам юртимизнинг урф-одатларига нақадар бойлиги, асрлар оша қадриятларимиз ҳали ҳам ўз қадрини йўқотмаганига гувоҳ бўлдик. Мазкур тадбирда Олмазор тумани ёшлари Фарғона вилоятининг ўзига хос урф-одатларини акс эттиришга ҳаракат қилдик. Водийнинг миллий таомлари дастурхонга тортилди, миллий урф-одатлари намойиш этилди. Ҳар бир ёш ўзи яшаб турган юртининг урф-одати ва қадриятларини билиши ва қадрлаши лозим.

— Миллий урф-одатларимизни ёшлар қалбига чуқурроқ синдиришга хизмат қиладиган лойиҳанинг кенг қўламли эканлигини таъкидлаш жоиз, — дейди “Қа-



Ислом ИСМОЙЛОВ оғли сураётган

молот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёевдин. — Бундай лойиҳаларнинг ўтказилиши натижасида ёшларнинг маънавиятга, қадриятларга бўлган ҳурмат-эътибори ошаётганида қўриш мумкин. Туманимиздаги таълим муассасаларида таҳсил олувчи йигит-қизларнинг анъаналаримизга содиқлик, урф-одатларимизни авлоддан-авлодга етказиш учун яратилган барча манбалардан изланишиб, тайёргарлик қўришгани қувонарли. Миллий анъана ва урф-одатларга ҳурмат руҳида қамол топган авлод келажимизнинг бахтли вақилларига айланиши шубҳасиз.

Қўтаринки кайфиятда ўтган фестивал сўнггида фаол иштирок этган туманларга “Қамолот” ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Фестивалда фольклор жамоалари, “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази ўқувчилари, ёш хонандалар ва эл севган санъаткорлар ижросидаги дилбар тароналар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА

ТУРКМАНИСТОН КИНОСИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

**Алишер Навоий номидаги Кино
саройида Туркменистон киноси
кунлари бошланди.**

“Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори О.Мусаев ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Туркменистонга давлат ташрифи доирасида кўплаб ҳужжатлар қатори 2017-2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ҳам имзоланди.

Кино кунлари К.Аннанов ва В.Ишангулиев режиссёрлигидаги “Ат-мират” фильми намойиши билан бошланди. Фильм ҳар бир туркман йигитининг орзуси — ахалтеке отлари ҳақида. Бош қаҳрамон Мардон тиришқоқлиги ва иродаси туфайли улоқларда голиб чиқади, ҳақиқий йигит бўлиб шаклланади. Томошабин инсон ва табиат ўртасидаги узвийликдан заъв туйиб, матонат, меҳр ва меҳнатнинг қудратига яна бир бор амин бўлади.

— Ўзбекистон халқи билан асрий урф-одатларимиз, орзу-умидларимиз муштарак, — дейди Туркменистон телевидениеси кино ишлаб чиқариш бўлими бош координатори, кино ва театр актёри Тойгелди Оллоёров. — Кино кунлари доирасида тақдим этилаётган фильмлар воқеалари, қаҳрамонларнинг ҳис-кечинмалари ўзбек халқига ҳам таниш. Келгусида бундай маданий тадбирлар, фестивалларни янада кўпайтириш, ҳамкорликда фильмлар суратга олиш ниятидамыз.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги ва “Туркманфильм” бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кино кунлари давомидида “Ат-мират” фильмидан ташқари машҳур шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган “Махтумқули”, ахалтеке отлари тасвирланган “Қопетдаг — аскарнинг орзуси” ва “Сайис”, оила ва муҳаббат мавзусидаги “Қумли келин қўшиқлари”, “Муҳаббат мероси” каби фильмлар намойиш этилади.

Фестиваль доирасида туркменистонлик киноижодкорлар турли вазиралик ва идораларда учрашувлар ўтказилади.

С.АЛИЖОНОВА

Кўргазма

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

**Бу оламнинг таъриф-таъсифи
ижодкорликда янада аниқ намоён
бўлади. Бастакор яратган куйида,
қўшиқчи ижросида, ёзувчи асарида, олим
янгилигида унинг кучу қудратини ҳис
этади. Мусаввирликда у бутунлай
фалсафий кўриниш касб этиб, бу туйғу
рангларга кўчиб жилоланаверади...**

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти дастгоҳ ва китоб графикаси факультетининг тўртинчи курсида таҳсил олаётган ёш рассомлар Мадина Юсупова, Юнус Фармонов, Шахноза Қосимова, Дилафрўз Исоқова, Қамол Рўзиева, Динара Умарова, Зуфия Назирова, Севара Ўткирова, Раъно Маметова чизган картиналарда орзулар таъсири шунчалик маромига етганини кўриб, унинг чексиз, чегарасиз эканига ишонмоқдан ўзга илож қолмайди.

Ўзбекистон Бадий академияси Иқо Хираяма халқаро маданият қарвон саройида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ёш истеъдод эгалари муаллифлигида ташкил этилган “Орзулар қанотида” кўргазмасига келган иштирокчиларнинг кўнглидан шундай ўй кечади.

Халқаро маданият қарвон саройи директори Ф.Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар юксак самара бераётганини таъкидлади.

Институтда талабаларга санъатнинг энг ноёб турларидан сабоқ берилади. Графиканинг оғрт, литография, линогравюра, шинкале каби усуллари шулар жумласидан. Таниқли мўйқалам соҳиби Наримон Шарипов бу йўналишда ижод қилиб, талабаларга унинг сири ва техникасини ўргатиб келмоқда. Мазкур кўргазмада иштирок этаётган ёш ижодкорлар устози ўргатган бу мураккаб санъат турини пухта ўзлаштириб келаётди.

— Экспозициядаги “Навоий ғазалларида иллюстрациялар”, “Бобур рубоийлари туркумидан”, “Дилором”, “Лабиринт эгаси”, “Ақл ўйинлари”, “Чорбоғ чиғоноқлари”, “Тошлардан яралган табиат”, “Лирика” каби суратларда профессионал ижодкорликини кўргандай бўласиз, — дейди ЎЗА муҳбирига рангтаъсирчи рассом А.Қалон. — Уларнинг қайсидир жиҳати маромига етмаган бўлиши мумкин, лекин бу талабалар ижод маҳсулидир. Шу маънода ёшларнинг изланиши, ўз ишига астойдил меҳр қўйгани ва орзу-истакларини санъатсеварларга улашгани қувонарлидир.

Кўргазмага қўйилган Д.Исоқованинг “Хижрон”, “Қўз оқшом”, К.Рўзиевнинг “Ез”, “Ўйин”, Р.Маметованинг “Сув париси”, “Юрак ҳолати”, Ю.Фармоновнинг “Иллюстрация”, “Этюд”, М.Юсупованинг “Завод”, Ш.Қосимованинг “Тошкент”, “Фарғоналик келин”, С.Ўткированинг “Натюрморт”, З.Назированинг “Япон достонида иллюстрация”, Д.Умарованинг “Садди Исқандарий” каби асарларини муҳлислар катта қизиқиш билан томоша қилаётди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Спорт янгиликлари

БОЛАЛАР ФУТБОЛ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Тошкентдаги “Ёшлик” спорт мажмуасида Германиянинг “Fussball-Internat Schlotheim” футбол академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Junior Football League” болалар футбол мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирнинг тантанали очилиш маросимида ўзбек футбол афсоналари, унинг ривожига ҳисса қўшган инсонлар, ФИФА рефериси Равшан Эрматов, мураббийлар Бахтиёр Ашурматов ва Улғубек Бақоев, ёш футболчиларнинг ота-оналари ва ақиллари ҳамда Германиядан ташриф буюрган ёш футболчилар, мутахассислар иштирок этишди.

Таиланднинг Бангкок шаҳрида бокс бўйича ўтказилган “Қирол кубоги – 2017” халқаро турнирининг финал жанглари ўз якунига етди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАГИ ҒАЛАБА

Мазкур финал жанглари Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари тақлифига кўра, тажрибали боксчиларимиздан Ҳасанбой Дўсмаев ва Шахрам Ғиёсов ўтказиб юборган бўлса, Исроил Мадримов ва Элнур Абдураимов финалда ўз омадларини синаб кўришди.

Турнирнинг 64 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Элнур Абдураимов мезбонлар вакили Вуттичаи Масук билан куч синашиб, имкониятни бой бе-

Ушбу мактабда болалар алоҳида ёш тоифаларга бўлиниб, футболнинг сир-асрорларини ўрганишади. Дастлаб, мактабда “JFL-Tashkent”нинг 3-6 ёшдаги дастури иш бошлаган бўлса, ҳозирда уларнинг сафи кенгайиб, 2007-2008 ва 2009-2010 йилларда таваллуд топган ёшларни тайёрлаш лойиҳаси ҳам ишга туширилган.

риб қўйди ва мусобақанинг қумуш медалини қўлга киритди. 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ва “Uzbek Tigers” таркибидagi жангларда муҳлислар олқишига сазовор бўлиб келаятган Исроил Мадримов кубалик Ослей Иглесиас Эстрада устидан ғалаба қозониб, терма жамоамизнинг ягона олтин медалини қўлга киритди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Қилмиш — қидирмиш

СОХТАЛИК ПАНД БЕРДИ

Киши бирор ишга қўл уришидан аввал, оқибатини ўйлаши керак. Шундагина ортиқча гап-сўз бўлмайди. Аммо орамизда ҳеч ким билмайди, дея қалта ўйлайдиганлар ҳам учраб туради. Шокир Абдусатторов (исм-фамилия ўзгартirilган) пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшаса-да, ноқонуний фаолиятини бошқа жойда ташкил этди. У Тошкент вилояти Зангиота тумани А.Қомиллов кўчасидаги хонадонлардан бирида яширин цех ташкил этиб, шампунь маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқара бошлади.

“Тадбиркор” бўш шампунь идишлардаги сувга ранг қўшиб, шампунь тайёрлаш усулини “кашф” этди. “Иши”ни юргизиш учун табиийки, керакли жиҳозларни ҳам сотиб олди. Қисқа фурсатда 621 донна шампунни “тайёрлади”. Албатта, маҳсулотни сотиш учун харидор керак. Мижоз ҳам тезда топилди. У яширин цехда ишлаб чиқарилган шампунь маҳсулотларини 1824000 сўмга пуллаётган вақтида ушланди.

— Бу ишингиз қонунга хилоф, — дея ҳужжат расмийлаштирилди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра Шокир Абдусатторов “цеҳи”-

да ишлаб чиқарилган шампунь маҳсулотлари инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига умуман жавоб бермас экан. Ҳаттоки, ушбу бош ювиш воситаси соч тўқилишига, ҳаттоки аллергия касалликлари келтириб чиқариши аниқланди. Ноқонуний фаолиятдан даромад топмоқчи бўлган бу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Бугун у қилган ишидан пушаймон.

Суд Шокир Абдусатторовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқроор бўлгани, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳолини ҳисобга олди.

Агар у тегишли жойдан рўйхат ишлаб чиқарганида эди, раҳмат эшитарди, давлат томонидан қўллаб-қувватланарди. Бирок у эгри йўлдан борди. Оқибатда судланди. Унинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас.

**Нуриддин ЖУРАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти
Тошкент шаҳар бошқармаси
катта суриштирувчиси**

Реклама ва эълонлар

ДИККАТ!
“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг юридик манзили ўзгарганлиги сабабли, аризалар ва кимови-ди савдолари Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Мирзо Улғубек кўчаси, 73-ўйда қабул қилинади ва ўтказилади. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Мирзо Улғубек кўчаси, 73-ўй. E-mail: info@auksion.uz. Телефон: (0595) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148

ДИККАТ!
“VIP REAL ESTATE” МЧЖнинг юридик манзили ўзгарганлиги сабабли, аризалар ва кимови-ди савдолари Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Мирзо Улғубек кўчаси, 73-ўйда қабул қилинади ва ўтказилади. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Мирзо Улғубек кўчаси, 73-ўй. E-mail: info@realtors.uz. Телефон: (0595) 143-01-43.

Лицензия рақами RR 0173

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

**Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар кун соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар
кўчаси,
32-уй, 2-қават, 225-хона.**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 13 апрель кунини ҳаво ўзариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, жала ёғиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кунайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 13-15 даража иқлим бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 13 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 435

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14:25